



**ADMINISTRATION OF DIRECT TAXES AND ITS THEORETICAL AND
LEGAL BASIS**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10071925>

Yangiboev H.A.

Independent researcher of the Fiscal Institute

ANNOTATION

This article examines the opinions of local and foreign scholars on the economic reforms implemented in our country in the digital economy, the need to improve direct taxes and administration, its socio-economic importance, theoretical and legal issues. Also, based on the results of the research conducted on the topic, conclusions and proposals for improving the tax administration were developed.

Keywords

tax, tax administration, tax policy, tax theory, direct taxes, law, legal foundations.

**БЕВОСИТА СОЛИҚЛАРНИ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ ВА УНИНГ
НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

Янгибоев Ҳ.А.

Фискал институт мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлари, бевосита солиқлар ҳамда маъмуриятчилигини такомиллаштириш зарурлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, назарий-ҳуқуқий масалаларини бўйича маҳаллий ва хорижий олимларинг фикрлари ўрганилган. Шунингдек мавзуга доир олиб борган тадқиқотлари натижаси бўйича солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга оид хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

солиқ, солиқ маъмуриятчилиги, солиқ сиёсати, солиқ назарияси, бевосита солиқлар, ҳуқуқ, ҳуқуқий асослар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются мнения отечественных и зарубежных ученых об экономических реформах, реализуемых в нашей стране в условиях цифровой экономики, необходимости совершенствования прямых налогов и администрирования, их социально-экономическом значении, теоретических и



правовых вопросах. Также по результатам исследования, проведенного по теме, разработаны выводы и предложения по совершенствованию налогового администрирования.

Ключевые слова

налог, налоговое администрирование, налоговая политика, теория налогообложения, прямые налоги, право, правовые основы.

1. Кириш.

Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш – амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик ривожини – юртимиз ва иқтисодиётимиз тараққиёти гарови ҳисобланади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш борасида қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини эркин фаолиятини таъминлаш, улар фаолиятига давлат органлари аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш иқтисодиётни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатининг муҳим устувор вазифалари сифатида эътироф этилади. Шу боис мамлакатни ривожлантиришнинг Тараққиёт стратегиясида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш масадида “тадбиркорлик субъектларига солиқ юкмасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш” юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш вазифаси этиб белгиланган¹. Шунингдек тараққиёт стратегиясида бу борада ислохотларни давом эттириб, энг асосий вазифалардан бири бу солиқ маъмуриятчилигини соддалаштиришдир.

Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва ошқоралигини, улардан фойдаланиш имкониятларини янада ошириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда жойларда халқ билан бевосита мулоқотнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб

¹“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 29 январь.



«ягона дарча» марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари жорий қилинди.

Бевосита солиқларни маъмуриятчилиги муаммоларини ўрганиш ва уни такомиллаштириш иқтисодий иқлоҳотлар янги босқичида муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча муаммоларни ўрганишда унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш тадқиқотларнинг таян нуқтаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бевосита солиқларнинг маъмуриятчилигини ташкил қилишнинг назарий асосларини ўрганиш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларига баҳо бериш асосида муаммолар ечимига оид таклифлар ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

2.Адабиётлар шарҳи.

Бевосита солиқларни маъмуриятчилигининг бош мақсади фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда айланмадан олинадиган солиқлар бўйича, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг фаолиятини Солиқ кодекси меъёрлари асосида тартибга солиш орқали давлатнинг солиқ сиёсатини аниқ ва бир меъёрда амалга оширишга қаратилган.

Илмий адабиётлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “солиқ маъмурчилиги” ва “солиқ маъмуриятчилиги” тушунчалари кенг ишлатиб келинмоқда. Шунинг қайд этиш керакки, бу ҳар икки тушунча ўз мазмун ва моҳияти билан бир маънони билдиради. Бизнинг фикримизча, адабиётлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бир ҳил равишда “маъмуриятчилик” тушунчасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан доимий тартибда тўлашга ўрганиб қолган солиқларнинг ҳам кўп йиллик ривожланиш тарихи мавжуд бўлиб дунёда илк маданият (цивилизация) даврлариданоқ солиқ муносабатлари шакллана бошлаган. Биринчи солиқ йиғими жорий этилиши тарихи милоддан аввалги учинчи минг йилликда қадимги Миср давлатида пайдо бўлган. [Яҳудийлик](#) ва христианликда муқаддас ҳисобланган диний китоблар ва рисолалар мажмуаси “Библия”нинг 47-бўлимида, Миср фиръавнлари аҳолини етиштирган ҳосилнинг бешдан бир қисмини солиқ сифатида тўлашга мажбур қилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Қадимий юнон давлатида ҳам кейинчалик солиқ амалиёти ташкил топган бўлиб, яъни 1799 йилда тарихий Александрия шаҳрининг шарқий ҳудудидан топилган «Розетта ёдгорлиги» бунинг исботи бўла олади. Унда милоддан аввалги 196 йилларда Птоломейлар сулоласида солиқ муносабатлари амалда бўлгани тасвирланган.



Европада мерос, эгалик ва харид учун янги солиқ турлари ўрта асрларда амалга киритила бошланди. Бу солиқлардан олинадиган тушум, асосан, уруш даврларида мудофаа учун зарур сарфланган.

Хитой халқ Республикасида эса Тан сулоласи (618-907) ва Сонг сулоласи даврида (1127-1279) илк солиқ тартибларини жорий этган бўлиб унда аҳоли рўйхатга олиган ва шу асосида уларга солиқ тўлаш мажбуриятларини юклаган.

Солиқлар ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда қабилаларнинг дастлабки сиёсий бирлашувлари туфайли пайдо бўлган. Солиқнинг дастлабки тури пул ва натура тарзида жон бошига ва ер майдонига солинадиган солиқ сифатида пайдо бўлиб, фуқаролардан олинган. Бу давлат молиясининг дастлабки манбалари бўлиб, ҳисобланган. 651 йилдан бошлаб, Марказий Осиё ҳудудида араблар ҳукмронлиги ўрнатилди. Бу даврда солиққа тортиш тизими мураккаблашган ва турли хилдаги солиқлар пайдо бўлган.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўз тузукларида шундай ёзади: «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб кўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб кўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади». Соҳибқирон Амир Темур ўз фикрларда солиқ тўловчи халқ ва солиқ йиғувчи давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар ўта нозик эканлиги, солиқнинг миқдори мўътадил бўлиши зарурлиги, бу қоидага риоя қилмаслик ўта ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аниқ ва равшан ифодалаган. Шу билан бир қаторда Амир Темур давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда аввало халқнинг манфаатини ҳисобга олиш ва ҳар бир алоҳида хўжаликда бой - бадавлатликнинг эришилган даражасини инобатга олиш керак, деган тамойилга амал қилиш зарурлигини ҳам назарий жиҳатдан асослаб берган. Ушбу назарий қарашлар асосида ташкил этилган Амир Темур давлати солиқ тизими унинг буюк империяси харажатларини узлуксиз маблағ билан таъминлаш билан бирга, хазинадан илм, фан, маданият ва ободонлаштириш ишлари учун ҳам зарур маблағлар ажратилишига хизмат қилган ².

Амир Темур давригагача бўлган даврда солиқ йиғувчиларнинг иш ҳақи солиқ тўловчилар ҳисобидан бўлган. Шунинг учун солиқ йиғувчилар қонунда кўзда тутилмаган солиқларни ҳам ундиришган. Амир Темурнинг солиқ маъмуриятчилиги солиқ ундирувчиларга халқнинг устига юк бўлмаслиги учун уларга маош тайинлаган.

² А.Темур «Темур тузуклари», Т.: Ўзбекистон.2011й. 143- бет.



Амир Темур даврида асосан деҳқончилик билан боғлиқ бўлган хирож ва ушр солиқлари амал қилган бўлса, савдогарлар ва хунармандлар тамға ёки закот тўлашган, чегарадан ўтган маҳсулотлардан бож ундирилган. Бу солиқлар давлат хазинасининг асосий манбайи бўлиб ҳисобланган.

Европа олимлари Амир Темурдан 4 аср кейин ушбу масалалар бўйича ўз карашларини билдирган. Хусусан, инсоннинг фаоллашувчи принципи ва бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиши қонунлари тарафдори бўлган Европалик олим А. Смитнинг фикрича, солиқ маъмуриятчилигида “тинчлик, меъёрдаги солиқлар ва бошқарувдаги сабр-тоқат асосий омиллар бўлиб, қолган ҳамма нарсаларни табиий жараённинг ўзи бажаради”,³ деган ғояни илгани сўради.

Ж.Кейнс ўз тадқиқотлари натижаси бўйича А.Смитга қарши фикрни билдиради ва “бозор иқтисодиёти давлат ёрдамсиз иқтисодий таназзулни (ишлаб чиқариш таназзули, ишсизлик ва шу кабилар) бартараф этишга қодир эмас”⁴, деган ғояни илгари сўрган. Солиқ сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳозирги рақамли иқтисодиёт шароитида ривожланаётган барча мамлакатларда иқтисодий муносабатларни тартибга солишда солиқлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Француз иқтисодчиси Ж.Боден фуқаролар норозилиги олдини олиш мақсадида ўз асарларида давлат даромадларини давлат мулкини ишлатиш ва бож йиғимлари ҳисобидан шакллантириш, аҳолидан солиқ йиғиш заруриятга қараб жорий этилиши зарур, деган фикрни илгари сурган⁵.

Ж.Бодендан фарқли равишда инглиз файласуф-иқтисодчиси Т.Гоббс давлат ўз даромадларини шакллантириш учун фуқароларга солиқ солиш ҳуқуқига эга, лекин солиқларни белгилашда меъёр ва барча қатламга тўғри тақсимлашга эътибор қаратиш зарур, деган ғояни таклиф қилган⁶.

С.Г. Верещагин А.Темурнинг солиққа тортиш, солиқларни ундириш бўйича карашларини ўрганмасдан солиқларнинг сиёсий моҳияти тўғрисидаги XVIII асрдаги ғоялар етакчиси шотландия иқтисодчиси Адам Смит солиқларни белгилашда ягоналик, ишонччилик, тўловнинг қулайлиги ва арзонлиги тамойилларига амал қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни биринчи бўлиб билдиради, деб хулоса қилади⁷.

³ А.Смит. «Исследования о природе и причинах богатства народов» М. 1935й Т-2 588-589 б.

⁴ Ж.Кейнс. "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси". 1936 й.,

⁵ Tixier G., Gest G. Manuel de droit fiscal. Paris: L.G.D.J., 1986. P. 30–32.

⁶ Томас Гоббс “Левифиан”. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

⁷ С.Г. Верещагин. Политизация налога: история и современность, автореферат док. диссертации. Ярославль, 2010 г.



Солиқ хатарларини самарали бошқаришни ташкил этиш учун уни аниқлаш ва баҳолаш, уларга таъсир этиш, яъни камайтириш чоратadbирларини кўриш муҳим аҳамият касб этади бунда солиқ қонунчилигидаги мунозарали ҳолатларни ўрганиб чиқиш, мавжуд хатарларнинг мониторингини олиб бориш, уларнинг таснифланиши ва унинг оқибатларини таҳлил қилиш зарур ҳисоблайди⁸.

Бизнинг фикримизча, бевосита солиқларни маъмуриятчилиги солиқ тизими ва давлат иқтисодиёти самарали фаолият юритишининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Бевосита солиқларни маъмуриятчилигидаги камчилик ва нуқсонлар солиқ ҳуқуқбузорликларнинг кўпайишига ҳамда давлат бюджетига фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда айланмадан олинадиган солиқлар тушумининг камайишига олиб келади.

О.Ногинаннинг фикрича “Солиқ маъмуриятчилиги – солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар мажмуидир”⁹.

А.Маликовнинг фикрича “Солиқ маъмурчилиги биринчи навбатда, солиқ муносабатларини бошқариш тизими сифатида қаралган экан, унинг тизим эканлигига ҳам эътибор бермоқ лозим. Солиқ маъмурчилиги тизим сифатида қаралса, табиийки, унинг бир неча элементлардан иборат эканлиги маълум бўлади”¹⁰.

И.А.Перонко, В.А.Красницкий ва М.Н.Денишенколарнинг фикрича “Солиқ маъмуриятчилиги бу давлат томонидан солиқ муносабатларини бошқариш тизимидир. Солиқ муносабатлари солиқ маъмуриятчилигининг предмети ҳисобланади”¹¹. Шунингдек, О.А.Миронова, Ф.Ф.Ханафеевлар солиқ маъмуриятчилигини “Солиқ органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва солиқ муносабатларини бошқариш тизими”¹² деб таърифлашади.

Т.А.Слесарова ўз тадқиқотларида: “солиқ маъмуриятчилиги – бу бюджет тизимининг турли даражадаги мажбуриятларини бажариши жараёнида солиқларни йиғиш ва уларнинг ундиришини назорат қилиш вазифаларини бажарувчи солиқ органлари фаолияти доирасида юзага келадиган солиқ

⁸ Мамадаминов Н. Солиқ рискларини бошқаришнинг халқаро тажрибаси.// “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. №1, январь-феврал, 2019 йил. -Б. 17-18.

⁹ Ногина О.А. Налоговқй контроль: вoпрoсқ теoрии и пpактики. СПб., 2002. – С. 57.

¹⁰ Маликов А.Т. Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисодий фанлар номзоди диссертацияси. Тошкнт: 2011 й. – Б. 34-35

¹¹ Перонко И.А., Красницкий В.А. Налоговое администрирование // Налоговқй вестник. 2000.№ 10. – С.22;

¹² Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. М. Изд-во Омега-Л, 2005. – С.33.



ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ўзаро характланиш жараёнини бошқаришдир”¹³. деган фикрни илгари сўради.

М.Ю.Орловнинг фикрича, “солиқларни бошқариш” бу ваколатли ҳокимият органлари томонидан солиқ назорати вазифаларини амалга ошириш ва солиқ ҳуқуқбузарлари учун айбдор шахсларни вазифаларини амалга ошириш ва солиқ ҳуқуқбузорликлари учун айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш фаолиятидир¹⁴. В.Пансков фикрича “Солиқ маъмуриятчилиги – бу солиқларни режалаштириш, солиқлар ва йиғимлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштириш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат ва маҳаллий органларини бошқариш фаолиятидир”¹⁵ дея таърифлаган. Мазкур ёндашувларга изоҳ берадиган бўлсак, солиқ органлари фақатгина солиқларни йиғиш билан шуғулланади деган ёндашувларга қўшилиб бўлмайди. Бироқ қай этилган муаллифлар томонидан солиқ маъмуриятчилигини ваколатли давлат органларининг фаолияти билан боғлагани мантқан тўғри деб ҳисоблаймиз.

Умуман олганда, солиқ маъмуриятчилигини солиқ соҳасида ўзига хос бошқариш механизми сифатида кўришимиз мумкин. Солиқ маъмуриятчилигининг муҳим элементларидан бири бу солиқ назорати ҳисобланди. Ўз навбатида солиқ назорати солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни ҳисобга олишни шунингдек солиқ тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини назорат қилишнинг ягона тизимидир.

3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, бевосита солиқларни маъмуриятчилиги ва унинг назарий-ҳуқуқий асослари методологиясини иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита солиқларнинг маъмуриятчилиги ва унинг назарий-ҳуқуқий асослари умумлаштирилди.

Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, ҳулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Таҳлил ва натижалар.

Бевосита солиқларнинг маъмуриятчилиги ва солиққа тортишнинг замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз

¹³ Слесарова Т.А. Наалоговое администрирование – фактор реализации социальной политики государства: Автореф. дисс.... канд. Экон. Наук: 08.00.05, 08.00.10.

¹⁴ Орлов М.Ю. Совершенствование налогового администрирования: миф или реальность?// Ваш налоговый адвокат. 2005. №6. – С. 11.

¹⁵ Пансков В.Г. (2016) Налоги и налогообложение. Учебник и практикум. 5-е изд, перераб. и доп. –М.: “Издательство Юрайт”, 206 с.



вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини ошириш, республика солиқ органлари фаолиятини, жумладан, уларнинг солиқ тўловчилар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш жараёнларини мунтазам тадқиқ этиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, фаровон турмушини таъминлашда муҳим ўрин тутаётган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг стратегик йўналишларидан биридир.¹⁶ Республикада шакланган солиқ сиёсати “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”¹⁷ деган принцип асосида тадбиркорликни ривожлантириш муҳим роль ўйнайди ҳамда республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бевосита солиқларни маъмуриятчилиги – бу фойда солиғи жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ҳамда айланмадан олинadиган солиқ объектларини ҳисобга олиш, солиқларни назоратини амалга ошириш, солиқларга оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгилаш, солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ва солиқ муносабатлари иштирокчиларининг мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўйича давлат фискал органлари фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи солиқ муносабатларини бошқариш тизими деб таъриф берсак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сонли қарорига мувофиқ давлат солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари бири бўлди.

Юртимизда 2018 йилдан бошланган солиқ ислохотлари, солиқларни турларини қисқартирилиши, солиқ ставкалари пасайиши ва солиқ базасини кенгайтириши, бюджетга тушумлар ҳажми ўсишга олиб келди. Бу аҳоли ва тадбиркорларга солиқ юкини енгиллаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилиши, соғлом рақобат муҳити учун зарур шароитлар яратилиши барча соҳалар локомотиви бўлган тадбиркорлик ривожини учун кенг имкониятлар яратилди.

¹⁶ Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилidir” – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 8 январ.

¹⁷ Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалиқ қонидаси бўлиши керак.” – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 15 январ



Солиқ маъмуриятчилиги бўйича мамалакатимида янги тахрирдаги Солиқ кодекси, шунингдек, солиқ сиёсатини, шу жумладан, давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор фармон ва қарорлари билан адолатли, шаффоф ва узоққа мўлжалланган халқаро андозаларга жавоб бера оладиган ҳамда солиқ тўловчилар учун қулай бўлган солиқ тизими янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, бизнесга солиқ юқини имкон қадар камайтириш мақсадида солиқ турлари 16 тадан 9 тагача камайтирилди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” ги ПФ-5468-сонли Фармони қабул қилинди.

2019 йил 1 январдан бошлаб мажбурий ажратмаларни (3,2%) бекор қилинди. Бевоста солиқларнинг маъмуриятчилиги бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси тижорат банклари учун – 22 фоиздан 20 фоизга, дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга, пасайтирилди. Мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга, ягона солиқ тўлови ставкаси 5 фоиздан 4 фоизга ва ягона ижтимоий тўлов ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилди. Жисмоний шахсларнинг иш ҳақидан олинадиган 8 фоизли суғурта бадали бекор қилинди ҳамда солиқ ставкаси 22,5 фоизгача бўлган 4 поғонали даромад солиғининг ягона ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди. Концепцияга асосан бюджетдан ташқари жамғармаларга мазкур йиғимларни бекор қилиш ҳисобига 7 мингга яқин корхоналарда ҳар йили ўртача 6 трлн сўм солиқ тўлашдан озод этилди.

Мамлакатимизда солиқ юқини камайтириш орқали тадбиркорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган бир қатор ижобий ишлар натижасида фойда солиғи тўловчилар сони 23 баробарга ортиб, 2018 йилдаги 7,6 мингдан 2023 йилда 178 мингга етди. Расмий банд бўлган ходимлар сони 130 фоизга кўпайиб, 2018 йилдаги 3,9 млн нафарни ташкил этган бўлса, 2022 йил якунлари бўйича 5,1 млн нафарга етган. Шунингдек, солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилишда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган умумий тарзда берилган енгиллик ва имтиёзлар натижасида уларнинг ихтиёрида 2017-2021-йилларда 119,5 трлн сўм қолган бўлса 2022 йилда эса бў кўрсаткич 72,9 трлн сўм маблағ тадбиркорлар ихтиёрида қолдирилган.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан юридик шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва фуқароларнинг солиқларни тўлаш бўйича конституциявий мажбуриятларни бажариш учун энг қулай шарт-

шароитларни таъминлаш учун замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда солиқ тўловчилар билан ахборот-тушунтириш ишларининг олиб боришда илғор шакллар ва усулларни амалиётга жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.



1-расм 1991 йил 1 январдан 2023 йил 1 январгача қабул қилинган Солиқ маъмуриятчилигига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони¹⁸.

Ўзбекистон Республикасида 2023 йил 1 январь ҳолатига солиқ маъмуриятчилигига тегишли жами 1836 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фойдаланмоқда шу жумлардан; 8 та Ўзбекистон Республикаси кодекс, 116 та Ўзбекистон Республикаси Қонун, 804 та Президент ҳужжатлари ҳамда 908 та Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлар.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтганда, бевосита солиқлари маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш солиқ турлари бўйича тушумларини максимал даражада йиғишни мақсад қилган ва солиқ тўловчиларнинг риоя этилишини рағбатлантиришни мақсад қилган ҳукуматлар учун жуда муҳимдир. Технологияга асосланган ечимларни қабул қилиш, жараёнларни соддалаштириш, солиқ тўловчилар билимини ошириш ва маълумотлар

¹⁸ Расм Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



тахлилидан фойдаланиш орқали солиқ органлари самарадорликни ошириш учун муҳим имкониятларни очиши мумкин

Солиқ тўловчилар билан солиқ муносабатларини амалга оширишда Давлат солиқ хизмати органлари тизимида айрим муаммолар ҳам бор. Жумладан:

- солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини ихтиёрий ва мустақил бажариш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, солиқ тўловчи имконияти лар талабларини ҳисобга олган ҳолда бизнес жараёнларни ўзгартириш, солиқ назорати воситаларини фақат инсофсиз солиқ тўловчиларга нисбатан қўллаш, инсофли солиқ тўловчилар тоифасига ўтиш учун рағбатлантириш;

- солиқ органларининг солиқ тўловчилар томонидан даромадлар ҳажмини яшириш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларидан фойдаланишнинг кенг тарқалган амалиётига қарши курашиш бўйича ишлари изчил олиб борилмаётгани солиқ интизомининг пасайишига, яширин иқтисодиёт кўламининг сақланиб қолишига ва инсофли тадбиркорлар учун бизнес юритиш шартларининг ёмонлашишига олиб келмоқда;

- солиқ идораларида қарорлар қабул қилишда “инсон омили” таъсирининг мавжудлиги, улар томонидан катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш механизмларининг йўқлиги автоматлаштирилган тизимда қарорлар қабул қилиш, солиқ тушумини таъминлаш имконияти ва ҳақиқий даражаси ўртасида тафовутларни сақлаб қолинишига сабаб бўлмоқда.

Мазкур муаммоларнинг ечими сифатида қуйидагилар таклиф қилинади.

1. Солиқ органларида хизмат кўрсатишнинг мижозга йўналтирилган усулларини қўллаш орқали инсофли тадбиркорлар фаолиятига кўмаклашиш, солиқ мажбуриятларини бажаришнинг қулай, тушунарли ва осон механизмларини амалиётга жорий этиш.

2. Солиқ маъмурчилигини сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда солиқ солинадиган базани қамраб олишни кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Бизнес юритиш учун тенг шарт-шароитларни яратиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар жорий этиш.

4. Солиқ органлари фаолиятини ва солиқ маъмурчилиги механизмларини рақамли трансформация қилиш, солиқ органлари фаолиятига янги дастурий маҳсулотларни жорий этиш.

Фойдаланилган адабиётлар:



1. “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2022 йил 29 январь.
2. А.Темур «Темур тузуклари», Т.: Ўзбекистон, 2011й. 143- бет.
3. А.Смит. «Исследования о природе и причинах богатства народов» М. 1935й Т-2 588-589 б.
4. Ж.Кейнс. "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси". 1936 й.,
5. Tixier G., Gest G. Manuel de droit fiscal. Paris: L.G.D.J., 1986. P. 30-32.
6. Томас Гоббс “Левифиан”. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
7. С.Г. Верецагин. Политизация налога: история и современность, автореферат док. диссертации. Ярославль, 2010 г.
8. Мамадаминов Н. Солиқ рискларини бошқаришнинг халқаро тажрибаси.// “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнал. №1, январь-феврал, 2019 йил. -Б. 17-18.
9. Ногина О.А. Налоговый контроль: вопрос теории и практики. СПб., 2002. – С. 57.
10. Маликов А.Т. Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқтисодий фанлар номзоди диссертацияси. Тошкнт: 2011 й. – Б. 34-35
11. Перонко И.А., Красницкий В.А. Налоговое администрирование // Налоговый вестник. 2000.№ 10. – С.22;
12. Миронова О.А., Ханафеев Ф.Ф. Налоговое администрирование. М. Изд-во Омега-Л, 2005. – С.33.
13. Слесарова Т.А. Наалоговое администрирование – фактор реализации социальной политики государства: Автореф.дисс.... канд. Экон. Наук: 08.00.05, 08.00.10.
14. Орлов М.Ю. Совершенствование налогового администрирования: миф или реальность?// Ваш налоговый адвокат. 2005. №6. – С. 11.
15. Пансков В.Г. (2016) Налоги и налогообложение. Учебник и практикум. 5-е изд, перераб. и доп. -М.: “Издательство Юрайт”, 206 с.
16. Мирзиёев Ш.М. “ Қонун устуворлиги - инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир” - Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 8 январ.
17. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак.” - Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2017, 15 январь